
ФАРҒОНАДА КАТТА ФУТБОЛ: “НЕФТЧИ” 6 ИЮЛЬ КУНИ РОССИЯ ПРЕМЬЕР-ЛИГАСИ ВАКИЛИ “УРАЛ” БИЛАН ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА МАЙДОНГА ТУШАДИ

6 июль Фарғонадаги “Истиқлол” ўйингоҳида “Нефтчи” футболчилари, Россия Премьер-лигаси вакили, Екатеринбургнинг “Урал” жамоасига қарши халқаро ўртоқлик учрашувида майдонга тушишади. 13 июль куни вилоятимиз футболчилари, “Екатеринбург Арена” да бўлиб ўтадиган жавоб ўйини учун Свердловск вилоятига боришади.

Россия Премьер-лигасининг кучли жамоаларидан бири бўлган “Урал”, Фарғонага асосий таркиб билан ташриф буюради. Эрик Бикфалви, Кристиан Нейва, Сильвие Бегич, Даниэль Мишкич, Владис-Эммерсон каби таниқли ўйинчилар фарғоналик мухлислар қаршисида тўп суришади.

Фарғона ва Свердловск вилоятлари бош жамоаларининг ўзаро ўртоқлик учрашувлари, Свердловск вилояти губернатори Евгений Куйвашев бошчилигидаги делегациянинг жорий йил апрель ойида Фарғона вилоятига ташрифи давомида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан ўтказилган музокараларда эришилган келишув доирасида ўтказилмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-07-01 12:24:44